

26 июнь - Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни



Ушбу сана муносабати билан Шеробод тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи, 3-сектор раҳбари Ўткир Шукуров сектор ҳудудидаги “Нуртепа” маҳалласида жойлашган туман Ички ишлар бўлими Жамоат хавфсизлиги хизмати Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими биносида гиёҳвандлик “аср вабоси” ҳақида йиғилиш ўтказди.

Унда ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари ҳамда фуқаролар қатнашди. Йиғилишда унга қарши нафақат иллат, балки глобал офат сифатида курашиш. Чунки бугун айна шу хатар инсоният саломатлиги, тақдири ва ҳатто келажагига раҳна солаётгани сир эмаслиги, шунингдек бугунги кунда психатроп дори воситаларига қарши курашиш борасида сўз юритилди.